

B.4

Битта нусха имзо ва муҳр билан
Ижрочига қайтарилсин

Шартнома № М/Х 14-297-01/06/03/2022

Тошкент шаҳар

“19” 01. 2022 йил
21.01.2022.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда атропоф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Маркази номидан Устав асосида иш юритувчи директор в.в.б. М. Тахирова «Ижрочи» деб аталувчи, бир томондан ва «Ўзметкомбинат» АЖ асосида иш юритувчи бошқарув раисининг умумий масалалар бўйича ўринбосари Шарипов Акмал Маматович (05- январь 2022-йил 01-1/12-сонли ишончнома) бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздик.

1. Шартнома предмети

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атропоф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016-йил 22-сентябрдаги 321-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, «Ижрочи» «Буюртмачи»нинг буюртмаси асосида ходимларни қисқа малака оширишини ўз зиммасига олади.

1.2. Малака ошириш қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган ўқув режа ва ўқув дастури асосида олиб борилади.

1.3. Малака ошириш мазкур шартноманинг 2.3, 2.4. бандларига асосан тегишли тўлов амалга оширилгандан ҳамда лозим даражадаги контингент йиғилгандан сўнг амалга оширилади.

2. Тингловчилар сони, ўқитиш нархи ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. «Ижрочи» буюртмага биноан 2 (икки нафар) ходимни малакасини оширади.

2.2. Бир тингловчи учун 72 соат давомидаги қисқа малака ошириш курси қиймати меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизининг 5 (беш) баробарини яъни 1 446 720 (бир миллион тўрт юз қирқ олти миң етти юз йиғирма) сўмни ташкил қилади.

2.3. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 2.893.440,00 (Икки миллион саккиз юз тўқсон уч миң тўрт юз қирқ) сўмни ташкил этади.

2.4. «Буюртмачи» шартнома умумий суммасининг 30 % ини 15 банк қунида ва қолган 70% ни малака ошириш муддати тугаллаш билан бир вақтда қайтариладиган шарт билан қилинган иш далолатномаси имзолагандан сўнг 15 банк қунида «Ижрочи» нинг ҳисоб рақамига ўтказилиб беради.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонида мувофиқ Республикада ўриштирилган энг кам ойлик иш ҳақи ўзгартириш шартнома баҳосига ҳам мутаносиб тарзда ўзгартириш киритилади яъни «Ижрочи» нинг ҳисоб рақамига ўтказилмаган маблағ қайта ҳисобланади.

2.6. Тингловчи тингловчилар сонидаги чиқаришдан тақдирда «Ижрочи»нинг ҳисоб рақамига ўтган маблағ «Буюртмачи»га қайтарилмайди.

3. Ижрочининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартноманинг 2.3. бандидаги маблағнинг 30%и «Ижрочи»нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан ва тегишли контингент йиғилгандан сўнг «Буюртмачи»нинг ходимларини тингловчиликка қабул қилиш тўғрисида буйруқ расмийлаштиради.

3.2. Тегишли контингент йиғилганлиги ва ходимларини малака ошириш марказига юбориш тўғрисида «Буюртмачи»га ёзма мурожаат йўллайди.

3.3. Малака ошириш жараёни сифатига ва ташкил қилинишига масъул ҳисобланади.

3.4. Тингловчиларни ўқув материаллари, техник воситалар ва компьютер техникалари билан таъминлайди.

3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атропоф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 22 сентябрдаги 321-сон қарори талаблари асосида иш юритади.

3.6. Шартнома имзолангандан сўнг уч ой ичида тегишли контингент йиғилмаса малака ошириш учун ўтказилган маблағни «Буюртмачи»га қайтаради.

3.7. Мазкур шартнома бандларига қатъи амал қилади.

4. Буюртмачининг мажбурияти

4.1. «Ижрочи» томонидан йўлланган мурожаатга асосан тингловчиларни малака оширишга жалб қилиш юзасидан тегишли буйруқ расмийлаштиради.

4.2. Тингловчиларни малака ошириш жараёнига етиб келишларини таъминлайди ва бу ҳолатда «Ижрочи»ни чикимдор қилмайди.

4.3. Малака ошириш натижалари юзасидан Аттестациядан ўта олмаган ходимларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атропоф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”

9522291

2016 йил 22 сентябрдаги 321-сон қарори талабларига амал қилган ҳолда ишини ташкил қилади ва «Ижрочи»нинг қонуний талабларини бажаради.

4.4. Мазкур шартноманинг 2.3. бандидаги маблагни 2.4. бандга асосан «Ижрочи»га ўз вақтида ўтказлади.

4.5. Мазкур шартнома бандларига қатъи амал қилади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, шунингдек, ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

5.2. «Ижрочи» «Буюртмачи»га тегишли хизматларни белгиланган муддатларда кўрсата олмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % миқдорда «Буюртмачи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома умумий баҳосининг 50% идан ошмаслиги керак.

5.3. «Буюртмачи» кўрсатилган хизмат учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4% миқдорда «Ижрочи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % идан ортиқ бўлмаслиги лозим.

6. Шартномага қўшимча ва ўзгартириш тартиби

6.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартириш ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, томонларнинг келишув бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, уларни Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар Туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

8. Форс мажор ҳолатлар

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, ва бошқа шу каби ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари» агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Коррупцияга қарши қондалар.

9.1. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида" ги қонуни бузилган тақдирда ушбу шартнома тарафлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

10. Бошқа шартлар

10.1. Шартнома томонлар имзолаган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

10.2. Ушбу шартнома ҳар икки томон учун биттадан икки нусхада тузилади. Ҳар икки нусха бир хил кучга эга.

10.3. Томонларнинг банк реквизитлари, юридик манзиллари ва алоқа воситалари ўзгарганда бир-бирларини 5 кунлик муддатда хабардор қиладилар.

Илоҳ: Шартномани рўйхатдан ўтказиш учун 95 145-44-27, 95 145-44-28 рақамлари билан боғланиб шартнома рақамини ҳисобхона бўлимидан олиш шарт. Шартнома ва ҳисоб-варағини чоп этиб ва унга ўзингиз томонидан имзо қўйиш ва муҳр босиб тақдим этилади. Малака ошириш курсига олиб келинганда иккинчи томонидан имзо ва муҳр қўйилади.

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропофер муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда атропофер муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Маркази	АО «Ўзметкомбинат» 110502 г. Бешабат, ул. Сурлар-1 Тел: (0370) 214-22-24 Р/с: 2021 6000 8004 6818 3001 в АИКБ «Ипотека банк» МФО: 00489 ИНН: 200460222 ОКОНХ: 12130
100149, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 21а-уйда	
Х/р: 2021.0000.000097825 8001	
ЎзСКБ «ИЖРОЧИ» филиали, Тошкент ш. МФО: 00426 ИНН: 200598277; ОКЭД: 85590	
тел: 95 145-44-27, 95 145-44-28	
e-mail: info@igrochi.uz	

Директор вақ. М. Тахирова
М.У.

Бошқарув раисининг ўринбосари Шарипов
М.У.



Комбинат ходимларини малакасини ошириш бўйича
хизмат кўрсатиш учун баҳолаш натижалари тўғрисидаги комиссия
ХУЛОСА - БАЁННОМАСИ
2022 йил 19-январь 01/06-03-08-38 -сон

(2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикасиг Қонунининг 71-моддасига асосан)

Комиссия таркиби:

Комиссия раиси: Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – тараққиёт бўйича директор С.Г.Мадияров.

Комиссия раиси ўринбосари: Ишлаб чиқаришни таъминлаш ва маҳсулотларни сотиш департаменти директори Ф.Т. Махмудов

Комиссия аъзолари: Молия директорининг биринчи ўринбосари – бош иқтисодчи А.И.Турабаев, Корпоратив хавфсизлик ва ресурсларни ҳимоя қилиш департаменти директори Т.Т.Хожиев, Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Б.А. Гуламов.

Кун тартиби: Комбинат Экология ва атроф муҳит муҳофазаси бўлими ходимларини Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳузуридаги, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида “*Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик маъмурий амалиёт ва илмий жараёнларни ўрганиш*” мавзуси бўйича малакаларини ошириш учун тўғридан-тўғри шартнома тузиш.

Шартнома имзолаш мақсади: Комбинатнинг 2-нафар ходимини Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида “*Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик маъмурий амалиёт ва илмий жараёнларни ўрганиш*” мавзуси бўйича малакаларини ошириш.

Шартнома суммаси: 2 893 440,00 сўм (Икки миллион саккиз юз тўқсон уч минг тўрт юз қирк) сўм.

Бевосита шартнома тузишнинг ҳуқуқий асослари: 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасиг Қонунининг 71-моддасига (Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин: ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарларнинг (*ишларнинг, хизматларнинг*) давлат харидига) асосан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Комиссия аъзолари қарор қилади:

Давлат харидлари бўйича ахборот порталининг ягона етказиб берувчиларининг реестрига биноан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ягона таълим муассасаси эканлиги ва кадрлар тайёрлаш бўйича шу даврга қадар бажарилган ишларнинг сифати талабларга жавоб беришини инобатга олиб, *Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази* билан тўғридан-тўғри шартнома тузилсин.

Комиссия раиси

Мадияров С.Г.

Комиссия раиси ўринбосари

Махмудов Ф.Т.

Комиссия аъзолари

Турабаев А.И.

Хожиев Т.Т.

Гуламов Б.А.

"УТВЕРЖДАЮ"




Заместитель председателя
Министерства экологии
и охраны окружающей среды
Республики Узбекистан
У.Ч. Утаев
20 г.


Тарифная ставка за обучение в Центре переподготовки и повышения квалификации работников, осуществляющих деятельность в сфере охраны окружающей среды.

№	Наименование курса	по направлению деятельности	Сумма оплаты (за каждого человека исходя из минимального размера оплаты труда.)
1	За переподготовку	Для работников всех направлений деятельности	15- кратный размер от 35,2 процентов минимального размера оплаты труда
2	За повышения квалификации	Для водителей управляющих специальной техникой	3- кратный размер от 35,2 процентов минимального размера оплаты труда
		Для работников всех направлений деятельности	5- кратный размер от 35,2 процентов минимального размера оплаты труда

Директор



Я. Султонов



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TRAZISH TO'G'RSIDA

GUVOHINOMA

Reestr № 012468-08

№ 012468

2016 yil "31" oktabr

Mazkur guvohnoma **"ATROF MUHITNI MUHOFAZA QILISH SOHASIDA FAOLIYAT KO'RSATAYOTGAN XODIMLARNI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNI MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI"**

Tashkiliy-huquqiy shakli:	Muassasa	yundik shaxsiga berildi:	THSHT (OHO)
			270
Mulkchilik shakli:	Davlat		MSHT (OC)
			213
Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:	BUNYODKOR SHOH KO'CHASI, 7 UY		MHBT (COATO)
			1726294
Yuridik shaxs kodi:			KTUT (OKHO)
			26646768
Asosiy faoliyat turi: <i>Ishchilarni va boshqa xodimlarni tayyorlash va malakasini oshirish</i>			XXTUT (OKOHN)
			92200
Solig to'lovchining identifikatsiya raqami:			STIR (VHH)
			304398277

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatlil organ boshlig'i:

I. Tulyaganov



Ushbu guvohnoma davlat ro'yxatidan o'tgan kundan boshlab qo'llaniladi.